

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 1 сентябрь, № 171 (6354) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантаналаридан репортаж




*Тинчлик ва осойишталикда, озод ва обод юртда яшаш — улкан бахт. Бу бахтиёрликни бизга Истиқлол туҳфа этди. Эзгу ниятлар ва улкан орзуларни дилга тугиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, фарзандлар камоли учун улкан ғамхўрлик кўрсатиш, кексаларни эъзозлаш, пировардида ҳеч кимдан кам бўлмаган жамият барпо этиш, гўзал давру давронда умргузаронлик қилиш саодатини ҳам Мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъмат туфайли қўлга киритдик.*

## Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!

24 йил. Бугун иккинчи мучал тўйи нишонланаётган Ўзбекистоннинг шу қисқа фурсатда эришган ютуқ ҳамда босиб ўтган дадил одимларини бирма-бир кўз олдимизга келтирсак, асрларга татигулик оламшумул рақамларга, ҳайратомуз далилларга дуч келамиз. Аслида, гап далил ва рақамларда эмас. Аммо ҳар бир рақам ортида инсон тақдири борлигини инобатга олсак, эртанги кун — буюк келажак йўлида қанчалар муҳим ўзгаришлар рўй берганига амин бўламиз. Буларнинг барчаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсат “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган эзгу ғояга хизмат қилаётганини яққол ифодалайди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2015 йил 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади ва Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимларда иштирок этади.

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ УНУТИЛМАЙДИ

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган юзлаб ватандошларимиз хотираси абадийлаштирилди. Бундай савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.*

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа таркибида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

(Давоми 2-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мана шу гўзал ва муҳташам майдонда сиз, азиз юртдошларимиз билан кўришиш, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни биз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаш — мен учун катта бахт, катта шарафдир.

Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак.

Айнан мустақиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кираётгани — ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мустақилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга етиш мумкинмиди?

Бунга жавоб битта — йўқ ва асло йўқ.

Бу фикрнинг яққол тасдиғини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз қўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, истиқлол йилларида 5,5 баррадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мамлакатимиз Ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охирги маълумоти бўйича, Ўзбекистон “Бутунжаҳон бахт индекси”да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай бекиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Ҳеч кимга сир эмас — биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошмашошарлик, калтабинлик ҳолатларига, палапартиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик, узоқни кўзламайдиган “маслаҳатчи”лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион — тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

**Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар.**

Азиз юртдошлар!

Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз, иншооллоҳ.

Шу борада бизнинг асосий вазифамиз — мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан **иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.**

Бугунги кунда **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш,** юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида **бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.**

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда яқин ва узоқ атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, вазият ғоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, **юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутади.**

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.** Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

**Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир.**

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади.

Шу мақсадда биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азизларим, қадрли юртдошларим!

Бир ҳақиқат ҳеч қачон хаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, **бунинг негизида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир.**

Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал, мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳрим ва чуқур ишончимни яна бир бор билдирмоқчиман.

Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз.

**Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!**

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдўғон**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Борис Қандов**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — **Юрий Штерк**

Германия — Ўзбекистон жамияти президенти — **доктор Вольф Бауэр**

Германия — Ўзбекистон жамияти вице-президенти — **Дитер Бранденбургер**

Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили — **Томас Кунце**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари — **Викентий**

«Сока Гаккай Интернэшнл» президенти — **Дайсаку Икеда**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ УНУТИЛМАЙДИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ушбу мажмуа мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бу ерда аждодлари хотирасини ёд этишга келганлар, айниқса, ёшлар бугунги тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётга қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни англайди, тинчликнинг, мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканини теранроқ ҳис этади.

Анъанага мувофиқ, 31 август тонгида “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари кенг нишонланаётган шу кунларда бугунги озод ва обод кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этар эканмиз, истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор топганига, халқимиз ўтмишдан сабоқ чиқариб, буюк келажак сари дадил интилаётганига, бунда табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўламиз. Шундай фараҳбахш дамларда шу азиз Ватан барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳонда ва яқин атрофимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида фикр юритди. Бугунги нотинч замон доимо огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб қилишини алоҳида таъкидлади.

— Биз ҳаётдан доимо яхшилик кутиб, бошқаларга ҳам яхшилик тилаб яшайдиган халқмиз, — деди Ислом Каримов. — Шунинг учун ҳам эртанги кунимизнинг бугунгидан кўра ёруғ, тинч ва фаровон бўлишини орзу қиламиз, шу йўлда ўзимизни аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Барқарор тараққиёт йўлидан изчил қадамлар билан бораётган Ўзбекистонимизнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари барчамизга ҳақли равишда ғурур ва ифтихор бағишлайди. Биз қўлга киритган улкан натижаларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Аммо ана шундай юксак марраларга осонлик билан эришганимиз йўқ. Бу йўлда қандай оғир синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, туну кун тинмай фидокорона меҳнат қилишга тўғри келганини халқимиз яхши билади ва муносиб қадрлайди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршиликлар, қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиали оқибатларини чуқур тушуниб, англаб олиш, кенг жамоатчилигимизга, айниқса, ёшларга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Диний қадриятларнинг, эзгулик ва инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асраш — энг асосий вазифаларимиздан бўлиши керак, деди Юртбошимиз.

Бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги тузилмалари, имом-хатибларнинг ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб иш олиб боришлари, ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон бугунги кунда дунёда нима бўлаётганидан хабардор бўлиб, хавф-хатарлардан огоҳ бўлиб, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида курашиб яшаши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тинчлик — улуғ неъмат. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислом Каримов. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз зарур. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллик айёми нишонланаётган қутлуғ кунда кўпни кўрган, меҳнаткаш, бағрикенг, олижаноб халқимизга тинчлик-омонлик тилайман, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш зарурлигини, бунинг учун иқлимимизга мос дарахтлар, гулларни янада кўпроқ экишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини ҳам бориб кўрди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура намуналарини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган бу иншоотнинг халқаро мусобақалар ўтказиладиган залида, умуман, мазкур мактабда спортчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Уларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

* * *

Шу куни Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

**ЎзА.**



**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Шу боис биз Истиқлолнинг ҳар бир тонгида шукроналар айтамиз. Олам тинч, юртимиздаги хотиржамлик барқарор, миллати, тили, эътиқодидан қатъи назар, жонажон Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро бахтиёр бўлсин, деб ниятлар қиламиз.

Бинобарин, биз фараҳбахш кунларга осонлик билан етиб келганимиз йўқ. Мустабид тузум зуғуми ортиб бораётган, қадриятларимиз таҳқирланган, эртанги кундан умид узилган бир пайтда Ислом Каримов мавжуд аҳволни ижобий ўзгартириш, республикани чуқур инқироздан олиб чиқиш борасида аниқ чора-тадбирлар қўллади. Шу тариқа ҳали истиқлол арафасидаёқ қадриятларимиз тикланди. Она тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Наврўзимизни эмин-эркин нишонлайдиган бўлдик. Заминимизда камол топган азиз-авлиёлар қадамжолари обод этилди, зиёратгоҳга айлантирилди.

Демак, қалбимиздаги шукрона юртимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ободликни ифодалайди. Бинобарин, ана шу гўзаллик, кўркамлигу хушрўйлик Ўзбекистонимизга ярашиб турганлигини бугун ҳар бир хонадон, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят тимсолида кўриб турибмиз.

### Тантаналар оғушида

2015 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг муаззам маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи шодиёнага муносиб тарзда безатилган.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, нуроний отахону онахонлар, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Меҳмонлар Юртбошимизни гулдурос қарсаклар билан кутиб олади. Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик байрами билан муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Муаззам майдон узра ўрнатилган улкан мониторларда мафтункор диёримиз табиати, бунёдкор халқимиз шижоати билан қад ростлаган бинолар, бахтли замонда яшаётган юртдошларимиз сиймоси гавдаланади. Бунга ҳамоҳанг тарзда дилларда Ватан туйғусини жўш урдирувчи тароналар, катта ашулалар ижро этилади.

Истиқлол фақат эркинликни эмас, балки қандай яшашни, бошқалардан кам бўлмасликни ҳам дилимизга жо қилди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, олис-олис қишлоқ жойларгача саноатни олиб кириш, аҳолини иш билан таъминлаш, иш ўринларини кенгайтириш, қисқаси, ҳар соҳада ўзгаришларга кенг йўл берилди. Бу йилги тантаналарнинг “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилаётгани эса кенг кўламли ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ифодалаб турибди. Бинобарин, машҳур беш тамойилга асосланган “ўзбек модели”нинг нақадар ҳаққонийлиги биз қураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор, барчани ҳайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Хусусан, яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — “World Economic Forum” иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий тараққиёт” прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда Ўзбекистон 2014 — 2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

### Буюк келажак сари дадил одимлар

Бир пайтлар Ўзбекистонни билишмаган. Билганлар ҳам уни фақат аграр мамлакат деб ўйлашган. Истиқлол йилларида олиб борилган бемисл саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизни дунё таниди. Жаҳон аҳли илм-фан, тиббиёт, шеърият даҳолари шу муқаддас заминда туғилиб, камолга етганини тан олди. Ўтмиши бой халқнинг келажаги ҳам буюк бўлиши муқаррар. Шу маънода, бугун Ўзбекистон билан ҳар соҳада ҳамкорлик қилишни таклиф этаётган давлатлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Келинг, рақамларга мурожаат қилайлик: айни пайтда юртимизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Хусусан, машинасозлик соҳасида АҚШнинг “Женерал моторс”, Германиянинг “МАН”, “Клаас”, Япониянинг “Исузу” компаниялари, нефть-газ соҳасида Жанубий Кореянинг “Лотте кемикал” ва “Когаз” компаниялари, кимё саноатида Испаниянинг “Максам” компанияси, тўқимачилик саноатида Сингапурнинг “Индорама”, Жанубий Кореянинг “ДЭУ текстиль”, “Янг вон”, Швейцариянинг “Ритер” компаниялари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Хитойнинг “Хуавей” ва “ЗТЕ”, озиқ-овқат саноатида Швейцариянинг “Нестле” компанияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Германиянинг “Кнауф”, Хитойнинг “Пенг Шенг”, фармацевтика саноатида Швейцариянинг “Нобель” компаниялари ҳамда бошқа кўплаб хорижий инвесторлар иштирокида тузилган қўшма корхоналар ана шулар жумласидандир.

Дунёда ном қозонган бундай компаниялар билан олиб борилаётган ҳамкорлик қисқа вақт ичида иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг турини кўпайтириш, жаҳон бозорига рақобатдош янги маҳсулотлар билан кириб бориш имконини бермоқда.



Аъло АБДУЛЛАЕВ ва Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус иқтисодий зоналарини ташкил этиш ҳисобидан чет эллик инвесторлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам ўзининг юксак самараларини кўрсатмоқда.

### Бахтли мамлакатнинг бахтиёр фарзандлари

...Муаззам майдонни болажонлар тўлдиради. Болалар мусиқа ва ашула рақс дасталари — юртнинг бахтли авлоди куй-қўшиқлар садоси остида санъатларини намойиш этадилар. Улар шу тарзда улуғ байрамимиз тантаналарига файз киритадилар.

Болажонларнинг шўх-шодон чиқишларини кузатиб, дунёда Ўзбекистончалик фарзандлар камоли йўлида ғамхўрлик кўрсатаётган яна бирор мамлакат бўлмаса керак, деб ўйлаб қоласан, киши. Дарҳақиқат, юртимизда дилбандларимизни ҳар жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар барчанинг ҳавасини келтирмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Бинобарин, биргина “Соғлом бола йили” деб ном олган 2014 йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

“Соғлом она — соғлом бола” лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 минг нафардан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалар тобора кўпайиб бормоқда.

Фарзандлар камолига хизмат қилувчи ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. 2014 йилда жами 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан зиёди таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ҳамда мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.

2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил қилинди. Мазкур олий ўқув юртида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

— Бугунги яратилаётган имкониятларнинг барчаси биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов. — Бундай ғамхўрлик туфайли ўз истеъдодини, иқтидорини намоён этиб, қувонарли ютуқларга эришаётган тенгдошларим сафи ортиб бораётганлиги ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Менинг ота-онам ҳам санъаткор. Улар бугун бизнинг ютуқларимизни кўриб, ҳавас қилишади. Чунки уларнинг ёшлигида бугунгидек шарт-шароит, имконият умуман бўлмаган. Биз эса бахти кулган авлодмиз. Бизга беқиёс меҳр кўрсатаётган, орзуларимизни рўёбга чиқараётган Президентимиздан жуда-жуда миннатдормиз.

### Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Бундай улкан ютуқ ва муваффақиятлар бизни қанчалик ғурурлантирса, истиқлолимизни, Ватанимизни, азалий анъаналаримизни шунчалик авайлаб-асрашга, қадрлашга ҳам ундайди. Зеро, бугун дунё қалқиб турибди. Бу мушфиқ замин, жафокаш олам не-не сир-синоатларни бошдан кечирмоқда. Қайсидир мамлакатда табиат синовлари кузатилаётган бўлса, яна бошқасида бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юммоқда. Шундай экан, хотиржамликни, юртимиздаги файзу баракотни қадрлаш, уни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Бинобарин, мустақил давлатимиз посбонлари ҳар томонлама тажрибали бўлиши учун истиқлолга эришганимиздан кейин кўплаб соҳалар қатори мудофаа тизимида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Ҳарбий хизмат борасидаги муҳим қадамлар, армиямизни профессионаллаштириш йўлидаги янгиликлар ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур тураржой ҳамда маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинди.

Ана шу янгиланишларни тўласинча акс эттириш учун майдонга Ватан ҳимоячилари — Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Чегара қўшинлари йигитлари шахдам қадамлар билан кириб келади. Уларнинг ўзига хос кийимлари, дадил ҳаракатлари, “гурс-гурс” қадам ташлашларига ҳамоҳанг Ватан ҳақида жўшиб куйлашлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бир текис саф тортиб, мағрур қиёфада давра айланаётган ўғлонларни кузатиб, юртимиз тинчлиги, ҳимояси ишончли қўлларда эканлигидан янада хотиржам бўламиз.

### Ободлик ва фаровонлик мезони

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” рейтингида жаҳонда 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани бежиз эмас.

Зеро, юртимизда одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангюткич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда.

Мустақиллик йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айниқса, мутлақо янги авлод телевизорлари — плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оилаларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга ҳамда бу машиналар айнан юртимизда ишлаб чиқарилгани барчамизга мамнуният ва ғурур бағишлайди.

Фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида уй-жойлар қуриш суръати ҳамда кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур доирасида 2015 йилда 12 мингта янги тураржойлар барпо этилиб, эгаларига топширилади.

Айни пайтда шаҳарларимизни комплекс қуриш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида Тошкент, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, Урганч, Қарши, Термиз, Самарқанд ва бошқа кўплаб шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

### Тошкент — ғурур ва ифтихоримиз рамзи

Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналининг берган баҳосига кўра, Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингида 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллади ҳамда жаҳон таснифида яшаш учун энг қулай бўлган йирик шаҳарлар қаторига киритилди. Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, истиқлолимизнинг 24 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда жуда кўплаб иншоотлар қад ростлаб, чор-атрофга ўзгача кўрк ва чирой бағишлади. Чунончи, аҳоли ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприк қурилди. Пойтахт аҳли ва меҳмонларига улкан туҳфа бўлган мазкур иншоот ҳар жиҳатдан қулайлиги билан юртдошларимизга маъқул келди.

— Ер юзида мамлакат кўп, шаҳарлар бисёр, аммо жонажон диёримиз — Ўзбекистонимиз битта, — дейди тиббиёт фанлари номзоди, “Шуҳрат” медали соҳибаси Шоҳида Дадамуҳаммедова. — Осмони мусаффо, халқи фаровон, ёшлари илмга чанқоқ, нуронийлари эъзозда, тинч-осойишта шундай юртимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис биз мана шундай фаровонликка эришаяпмиз. Шу боис ҳам аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар натижасида пойтахтимиз тобора обод бўлиб бораётир.

...Зўр қувонч ва кўтаринки руҳда ўтказилган Истиқлол тантаналарида санъат усталари ҳамда истеъдодли ёшлар ижросида она-юрт тараннум этилди. Ватан, истиқлол ва дориламон кунларимиз ҳақида энг сара қўшиқлар жаранглади.

Шукронага ундовчи қўшиқлар оҳангида минглаб чироқлар ёниб, жўшқинликни, кўтаринкиликни акс эттирди. Осмонга мушаклар отилиб, бири-биридан чиройли манзаралар намоён бўлди. Бу гўзалликни, баравж хонишларни, дили хушнуд юртдошларимиз чеҳрасини кўриб, шундай кунларимизга кўз тегмасин, Мустақиллигимиз абадий бўлсин, деймиз!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Бундай гўзал юрт, чеҳраси офтобдек одамлар дунёнинг ҳеч қаерида йўқ»

**Самарқандда “Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.**

*Жаҳонда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда санъатнинг роли ва аҳамияти беқиёс. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зеро, у барча миллат ҳамда элат вакилларини эзгуликка чорловчи бетакрор санъат анжуманидир.*

Жорий йил ўнинчи бор ўтказилган “Шарқ тароналари” унда иштирок этиш мақсадида дунёнинг 66 та мамлакатидан келган меҳмонларни бир ҳафта давомида тўлқинлантирди, уларда унутилмас таассуротлар қолдирди, десак, янглишмаймиз. Регистон майдонида, “Мўъжиза” ва “Ниҳол” амфитеатрлари, “Ёшлик”, “Сўғдиёна”, “Шаббода” истироҳат боғлари, Самарқанд, Оқдарё, Жомбой ҳамда Тайлоқ туманларида янграган куй-қўшиқлар барчани мафтун этди, дилларда ўзгача завқу шавқ уйғотди.

— Жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатида уюштирилган халқаро анжуманларда қатнашганман, — дейди Япониянинг “Мин-он” мусиқа уюшмаси президенти Хироясу Кабаяши. — Аммо ҳеч қаерда бундай кўтаринкиликка гувоҳ бўлмаганман. Фестивални юқори савияда ўтказишга жуда катта тайёргарлик кўрилибди. Унинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримовнинг иштирок этиб, барчани табриклагани диққатга сазовордир. Давлатингиз раҳбари “Бу қадимий шаҳарнинг тарихи қанчалик буюк ва шарафли бўлса, унинг бугунги ҳаёти, замонавий қиёфаси ҳам шунга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳар томонлама обод ва гўзал бўлиб бормоқда”, дея таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, фестиваль кунларида биз бунга ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик. Самарқанднинг қадимий зиёратгоҳлари, майдон ва хиёбонлари, кўчаларини томоша қилиб, Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни, миллий анъана ҳамда қадриятларни асраб-авайлаш, шунингдек, ривожланиш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганини чуқур ҳис этдик. Айниқса, меҳмондўст, хушфеъл одамларингиз билан дилдан суҳбатлашиб, мамлакатингизга, халқингизга бўлган ҳурматимиз, меҳримиз янада ортди.

— “Шарқ тароналари” аллақачон дунё мусиқа аҳлининг ноёб мулкига, унда иштирок этиш ҳар бир санъаткорнинг эзгу орзусига айланган, — дейди Ҳиндистондан ташриф буюрган хонанда Важаҳат Ҳусайн Хон. — Президент Ислом Каримов фестивалнинг тантанали очилиш маросимида анжуман қатнашчиларини “тинчлик элчилари” деб атагани кўнглимизга ғурур-ифтихор туйғуларини солиш билан бирга, бизни янада улкан ижодий изланиш сари руҳлантирди. Биз, ижод аҳли бундай юксак эътирофга сазовор бўлганимиздан жуда бахтиёрмиз. Бундай гўзал юрт, чеҳраси офтобдек одамлар дунёнинг ҳеч қаерида йўқ.

Фестиваль азалдан жаҳоннинг маданият ва санъат бешикларидан бири бўлган Самарқандда ўтказилиши анжуманнинг файзига файз қўшаётир. Зотан, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида катта ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобату тароват мужассам. Бу қадимий ҳамда ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқингизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати намоён бўлиб туради. Самарқандда ўтказган ажойиб кунларимиз бир умрга хотирамизда муҳрланиб қолади.

Айтиш жоизки, иштирокчилар афсонавий Самарқанд бағридаги тарихий обидаларни зиёрат қилишди, ишлаб чиқариш корхоналари, бозорларга ташриф буюришди. Музейлар, ҳунармандлик марказлари ҳамда меҳмонхоналарда фестиваль тарихига оид суратлар, миллий ҳунармандлик намуналари ва чолғу асболари кўргазмаларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Фестивалда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ҳамда жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди. Улар анжуман доирасида ўтказилган илмий конференция, турли маданий тадбир ва бадиий кечалар, учрашув ҳамда мулоқотларда, жойларда Мустақиллик байрамига бағишлаб ташкил қилинган тантаналарда қатнашди. Ўзаро фикр ва тажриба алмашилди, ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Самарқанд. Регистон майдони. 30 август. Мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиши муносабати билан фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари жам бўлган.

Сўзга чиққанлар санъат анжуманининг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, унинг бу гал ҳам ғоят юқори савияда уюштирилганини алоҳида таъкидлашди. Қатнашчиларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига ҳамда анжуман ташкилотчиларига миннатдорлик изҳор қилинди.

“Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, бош соврин — Гран-при Хитойнинг “Jiangsu Women’s Orchestra” гуруҳига топширилди.

— Жаҳон узра ном қозонган бу фестиваль туфайли юртингизга келганимиздан, Самарқанд деб аталмиш афсонавий шаҳарни кўрганимиздан бениҳоя хурсандмиз, — дейди “Jiangsu Women’s Orchestra” гуруҳи аъзоси Жанг Жинг. — Бу ерда одамларнинг самимияти, меҳмондўстлиги бизни лол қолдирди. Фестивалнинг энг олий мукофотига сазовор бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Биз Ўзбекистонни, Самарқандни, бағрикенг юртдошларингизни соғинамиз.

Япониянинг “Shamisen” гуруҳи биринчи, Польша ва Эстония вакиллари иккинчи, Коста-рикалик санъат усталари учинчи ўринни қўлга киритди.

Қорақалпоғистоннинг “Ай-қулаш юлдузлари” гуруҳи ЮНЕСКОнинг махсус совринига сазовор бўлди.

Шунингдек, бир қанча йўналишда ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Тантанада санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури ҳамда фестиваль учун махсус тайёрланган 3D форматдаги ранглар шоуси намойиш этилди. Унда мамлакатимизнинг бой тарихи, истиқлол йилларида буюк аждодларимиз маънавий меросини тиклаш борасидаги ишлар, маданият ва санъат соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар ифодаланган.

“Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳодиев, Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Реклама ўрнида









Истиқлол сурури

# КЎНГИЛЛАРДА ЧЕКСИЗ ИФТИХОР

Ўтган ўқув йилида ўқувчиларимдан бирининг Ватанимиз тараққиёти мавзуида ёзган иншоси эътиборимни тортди. Сарлавҳаси ҳам ўзига хос: “Бари — ўзимизники!”.

У шундай бошланади: “Бобомнинг айтишича, ҳозир омборхонамизда яроқсиз ҳолда ётган совутқични ишхонасида навбат кутиб харид қилган экан. Чунки ўша вақтларда кўп нарсалар қатори, бу қурилма ҳам танқис бўлган экан-да. Шунданми, ҳар гал бирон янги нарса сотиб олсак, унинг тайёрланган жойини сўрайдилар. Масалан, тунов куни дадам укамга велосипед олиб келганда, бобом менга “Қара-чи, қаерники экан”, дедилар. Дарҳол, велосипеддаги “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёзувни ўқиб бердим. Шунда у киши “Э, барака топишсин. Энди ҳаммаси ўзимизники! Ахир авваллари оддий гугуртни ҳам четдан олардик-да, болам” дедилар...”.

Иншони ўқиб, қалбим ғururга тўлди. Унда юртимизнинг тарихан қисқа даврда қўлга киритган улкан ютуқлари кичик бир воқеа тимсолида ифодаланган эди. Буни ёшларимиз ҳам қалбан чуқур ҳис этаётгани янада қувонарли. Тўғри-да, бугун қайси савдо дўконига кирманг, улар мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотлар билан тўла. Яна равон йўлларимизни тўлдириб юрган улкан юк машиналаридан тортиб, енгил автомобилларгача ўзимизники! Ўқувчимнинг бобоси айтганидек, бир вақтлар навбат кутиб олинган совутқичлар эса аллақачон замонавий технологиялар асосида юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаяпти.

“Ўзимизники, Ўзбекистонники!”. Бу сўз кўнгилларга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди. Зеро, унинг замирида ҳар биримизнинг шу она-Ватан, бетакрор ва ягона заминга чексиз меҳр-муҳаббатимиз ҳамда садоқатимиз мужассам. Бу туйғулар бизни юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундайди, янгидан-янги марралар сари руҳлантиради.

**Нодира ЭРГАШЕВА,**
**Сардоба туманидаги**
**15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,**
**«Шуҳрат» медали соҳибаси.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА











*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 сентябрь, пайшанба куни чиқади).*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 392 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.15 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5